

## **АМИР ҲАМЗАҲ ИЖОДИНИНГ ИНДОНЕЗ – МАЛАЙ АДАБИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**Беккулов Эркин**

ТДШУ ЖЖШОТ кафедраси ўқитувчиси (малай тили)

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур тадқиқотда машҳур ижодкор Амир Ҳамзанинг илмий-адабий меъроси ўрганилиб кенг ёритиб берилди. Амир Ҳамзаҳ индонез-малай адабиёти ривожланишига, ҳамда янги бурилиш ҳосил қилишда катта ҳисса қўшган аҳамиятли ва етакчи шоирдир.*

**Калит сўзлар:** Амир Ҳамзаҳ, “Бўлиши мумкин”, “Қайтиш”, ваянг, Багават Гита.

### **АННОТАЦИЯ**

*В данном исследовании было изучено и широко освещено научно-литературное наследие известного художника Амира Хамзы. Амир Хамза - важный и ведущий поэт, внесший большой вклад в развитие индонезийско-малайской литературы и создание нового направления.*

**Ключевые слова:** Амир Хамза, «Может быть», «Возвращение», ваянг, Багават Гита.

### **КИРИШ**

Ява Оролининг диний қарашлари таъсири ҳам Амир Ҳамзаҳ шеърлятида яққол кўринади. Унинг “Бўлиши мумкин”, “Қайтиш” шеърлари бунга далил бўла олади. Чунки бу каби шеърларида у Худо ҳамиша инсон қалбида бўлиши ҳақида кўп бора таъкидлаб ўтади. Ғарб шеърляти ҳам таъсир қилганми деган саволга, Амир Ҳамзаҳнинг шеърлари структурасига ўша даврнинг голланд шеърлятига ҳос хусусиятлар таъсир қилган деган тасдиқ жавобини бериш мумкин.

Амир Ҳамзаҳ шеърлятида меланхолик характер етакчилик қилади. Шеърларини ўқир экансиз, у доим ўзини ёлғиз ҳис қилганлигини тушунаси.

Ява маданияти Амир Ҳамзаҳ шеърлятига етарлича ўз таъсирини ўтказган. Амир Ҳамзаҳ ҳаётининг катта қисмини Р.Б. Сламетмулян фикри бўйича, Ваянг<sup>1</sup> маданияти юрагида яъни Суракартада ўтказган. Шунинг учун Амир Ҳамзаҳ шеърлятида Ява ваянги символикасини учратиш табиий ҳол. “Чунки бу сен” шеърида Амир Ҳамзаҳ ўзини кўғирчоқбоз кўлидаги кўғирчоққа киёслайди.

<sup>1</sup> . ваянг – индонезия қоғирчоқ театри

“Ваянг кўғирчоғи кўғирчоқбоз фикрича узоқ ўз ролини ўйнай олмайди. У қанчалар машҳур ва буюк бўлмасин, унинг ўйинлари абадий эмас, давомий ҳам эмас. У ўз ўрнини бошқа кўғирчоққа бўшатиб беради ва қутига ҳаракатсиз ҳолатда қолиш учун жойлашади.” Амир Ҳамзаҳ 1911-йил 28-феврал куни шимолий Суматра оролининг Танжунг Пурада дунёга келган. Амир Ҳамзаҳ ўз ёшлигини қадрдон туғилган шаҳрида ўтказган. 1946 йил 20 мартда Куала Бегимут Бинжаида вафот этди. Унинг тўлиқ исми Тенгку Амир Ҳамзаҳ Индрапура бўлиб, лекин манбаларда ҳамда шеърларида Амир Ҳамзаҳ деб юритилади. Амир Ҳамзаҳ мактабни 1927 йил тамомлаган. Кейин Амир Ҳамзаҳ Солодаги (Марказий Ява ороли) Аглемее Мидделбаре мактабида ўрта махсус таълимни давом эттирган. Ўзи якка шарқ адабиёти билан шуғулланган. У юқори синфни Жакартада тугатгач, 1927 йил Соло шаҳрида Шарқий Адабиёт соҳаси бўйича ўқиган. Кейин у яна (Батавия) Жакартага бакалавр босқичига, Ҳуқуқшунослик факултетига ўқишга кирган. Ўз устида мустақил ишлаб бориши, ҳамда адабиётга катта қизиқиши натижасида шеър ёзишга ва адабиёт бўйича таржималар қилишга илҳомланган Амир Ҳамзаҳ 30 йиллар охиридан ижодидан намуналарини ўқувчилар эътиборига ҳавола эта бошлади. Бу тўпламни ўқиган Аджил Росиди шеърдаги маъно нозикликлари ва ҳамда сокинликни, жуда таъсирчанлиги билан ўқувчиларга осон ва тушунарли қилиб етказиб бериши ҳақида тўлқинланиб ёзганини қалбан англаш мумкин.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Якка ҳолда адабиёт билан шуғулланган Амир Ҳамзаҳ ўша пайтларда Армижнларини ва Ачдиат Миҳарджалар билан дўстлашган. Бутун 3 йиллик ўрта махсус таълим жароёнида Амир Ҳамзаҳ якка ҳолда адабиёт билан шуғулланиб малай, индонез адабиётчилари орасида ўз ўрнини топган.

Амир Ҳамзаҳни малай адабиётидан ажратиб бўлмайди. Унинг шеърларини ўқиб уни касби шоирлик деб айтиш мумкин. Лекин у шеърлар ёзишдан ташқари Бағават Гита китобларини ҳам таржима қилган. Шунингдек, Амир Ҳамзаҳ Суфи Нақшбандийнинг издошларидан бири эди.

29 октябр, 1945 йилда Амир Ҳамзаҳ Индонезия республикасининг депутати этиб тайинланди. Бу давр халқнинг суверенитетга эришмоқчи бўлиб ҳаракат қилган пайтларига тўғри келади. Кейин 1946 йили, 3 мартда инқилоб ҳаракатлари поёнига етди. Шунга қарамай, кейинчалик, Амир Ҳамзаҳ

ижтимоий инқилобнинг айбсиз қурбонига айланди. 1975 йилда эса, Индонезия ҳокимияти Амир Ҳамзаҳни миллий қаҳрамон деб эълон қилди.<sup>2</sup>

Амир Ҳамзаҳнинг биринчи шеърлари 1932 йилда “Тимбоел” адабий журналада нашр этилди. 1933 йилда Ҳамзаҳ Сутан Такдир Алисжаҳбана ва Армижн Пане билан биргаликда Поеджангга Барое.<sup>[2]</sup> журнали нашрига катта хисса қўшди. 1933 йилларда Ява оролларидаги фаолияти давомида у асарларининг аксарият қисмини нашр эттирди.

Индонез адабиётининг манбашуноси Ҳ. Б. Жассин таъкидлашича, у Ява оролига келгунча, ҳеч қайси асарини нашр қилмаган. Суматрага қайтгандан кейин ҳам жуда кам шеърларини нашр қилди.

Унинг биринчи тўплами “Няйи Сунйи” (Сукунатдаги қўшиқ) 1937 йилда нашр қилинган бўлиб, Амир Ҳамзаҳнинг 1936 ва 1937 йилларда ёзган шеърларини ўз ичига олади. Иккинчи тўплами эса, “Буах Ринду” (Соғинч меваси) номи билан 1939 йилда нашр қилиниб, тўплам таркибига 1935 йилларда ёзилган шеърлар қиради.

1942 йилда Малай анъанавий адабиётига бағишланган “Мелажое Лама дан Раджа-Раджанжа” (Қадимий малай адабиёти ва унинг қироллари) китобини ёзиб, нашр қилади. Амир Ҳамзаҳ ўз даврида шоирлик, таржимонликдан каби фаолиятларидан ташқари Поеджангга Барое (“Янги оқим”) журналининга асосчиларидан бири ҳисобланади. Амир Ҳамзаҳнинг шеърларини ўқир экансиз, унинг шеърӣй мавзуларининг асосий қисмини севги-муҳаббат, ҳамда дин мавзулари ташкил қилади. Унинг илк асари бўлмиш “Буах Ринду” да идеаллаштирилган муҳаббат куйланса, кейинроқ ёзилган шеърӣй тўплам “Няйи Сунйи”да диний тушунчалар ва табиат мавзуси ўз аксини топади. Шу икки китобдан “Няйи Сунйи”<sup>3</sup> анча юксакликка эришган деб ҳисобланади. Ёзган шеърларининг жуда кучли ва маънодор эканлиги сабаб, Амир Ҳамзаҳ “Пужанг Бару даври шоирларининг қироли” деб аталади. Шунингдек, у Индонезия Миллий Инқилобига бўлган ягона халқаро синфдаги шоир бўлган.

Индонезиянинг Миллий Қаҳрамонининг бир қанча таҳаллуслари бор эди. Тееувнинг айтишича Амир Ҳамзаҳ Малай тилидаги шарқӣй ва ғарбӣй таъсирлари, Малай тилининг кучсиз ва кучли томонларини тўлиқ тушуна олар эди. Унинг биринчи шеърлари анъанавий пантун (шеър услуби) билан бошланган эди. Ҳамзаҳнинг шеърларидан унинг қанчалар тилдаги сўзларни устамонлик билан ишлата олиши, сўз бўйлигининг ниҳоятда кенглиги, шеър

<sup>2</sup> [хтп://www.тенгкуамирхамзаҳ.com/en/биограпҳӣй](http://www.тенгкуамирхамзаҳ.com/en/биограпҳӣй)

<sup>3</sup> Амир Ҳамзаҳ “Няйи Сунйи” Жакарта: Поеджангга Барое. 1937.

ёзишга бўлган бепоён иштиёқини билиб олиш мумкин. Унинг “Соғинч меваси” (Буах Ринду) шеърида Малай тилида деярли кўп қўлланилмайдиган сўзлар ишлатилган. Тееув ва Муҳаммад Балфаснинг айтишича унинг шеърларида шундай Малай-индонез тилининг ўзига хос ички элементлари, нозикликлари яширинганки, чет эллик ўқувчи бу халқ тили ва маданияти ҳақида маълумотга эга бўлмай туриб, ўқиса, шеър маъно ва моҳиятини тушунмаслиги тайин. Амир Ҳамзаҳнинг “Няйи Сунйи” шеър тўпламидаги шеърларда кўпроқ Худо билан мулоқот ифода этилса, шунинг билан бирга, тақдирдан ўксиниш кайфияти ҳам сезилади.

**Амир Ҳамзаҳ шеърияти тематикаси.** Ҳамзаҳнинг шеъриятида асосан севги (инсонга бўлган муҳаббат, ҳамда илоҳий муҳаббат), шунингдек, диний қарашлар мавзулари етакчилик қилади.

“Соғинч меваси” (Буах ринду) шеърий тўпламида Ҳамзаҳнинг ўз туғилиб ўсган жойини жуда қўмсаши, онасини соғиниши, Ява оролидаги севгиси каби ҳиссиётлари акс этади. Амир Ҳамзаҳ кўпинча гулни ўз шеърига рамз сифатида танлаб олади.

(Няйи сунйи) эса кўпроқ динга қаратилган шеърларни ўз ичига олиб, ундаги шеърларда ҳам Қуръон ҳам Инжил китобларидан мисоллар келтириб ўтади.

**Амир Ҳамзаҳга бўлган муносабатлар.** Жассин Амир Ҳамзаҳни “Пужанг Бару даври шоирларининг қироли” деб номлайди. Голландия адиби Тееув Амир Ҳамзаҳнинг халқаро тоифадаги шоир эканлиги ҳақида таъкидлаганини юқорида ҳам келтириб ўтдик. Шоир Ҳайрил Анвар “Няйи Сунйи” тўпламидаги шеърлар классик малай тилининг анъанавий ҳолидан четлаб ўтилган бўлиб, янги тил ривожланишида “ёритувчи нур” бўлиб хизмат қилади, - деб таърифлайди. Лекин Ҳайрил Анвар “Соғинч меваси” (Буах ринду) шеърий тўпламини жуда эски ва классик тилда ёзилган деб, унча маъқулламайди.

Балфас Муҳаммад “Амир Ҳамзаҳ шеърлари ўз даврининг энг зўр адабиёт бойлиги эди”, - деб ёзади ўз мақоласида. 1975 йилда Амир Ҳамзаҳ “Индонезия миллий қаҳрамони” деб эълон қилинди. Жакарта шаҳридаги “Миллий ҳайкал” ёнида “Таман Амир Ҳамзаҳ” – “Амир Ҳамзаҳ боғи” барпо қилиниб, боғ (парк) Амир Ҳамзаҳ номи билан аталади.

“Таман Исмаил Марзуки” – “Исмаил Марзуки боғи” даги мақбара, ҳамда, Малайзиядаги Индонезия элчихонаси Амир Ҳамзаҳ номи билан аталади ва юритилади.

**Амир Ҳамзаҳ асарлари.** Балфас Муҳаммаднинг айтишича, Амир Ҳамзаҳ 52 та оригинал шеър, 18 та лирик проза, 13та оригинал прозалар муаллифидир. Шунингдек, индонез тилида ёзилган Сафра Мелажое Лама дан Раджа-Ражданжа (Қадимий малай адабиёти ва унинг қироллари) китоби муаллифи ҳамдир.<sup>4</sup>

Ёзган шеърӣ тўпламлари.

- Няньи Сунӣи [Жимжитлик қўшиғи]. Жакарта: Поеджангга Барое. 1937.
- Буаҳ Ринду [Соғинч меваси]. Жакарта: Поеджангга Барое. 1939.
- Сетангги Тимур [Шарқ чироғи]. Жакарта: Поеджангга Барое. 1939.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шунӣ айтиш жоизки, Шеърларда шоирнинг шахсий қизиқишлари ҳамда умумий урф бўлган мавзулар асосида ижод қилар эдилар. Амир Ҳамзаҳ ҳам шундай миллий озодлик куйчиси, анъанавий малай шеърӣати қоидаларига риоя қилувчи, шеърлари мазмуни орқали жамиятдаги иллатларни фош этиш, ҳамда ички кечинмалари, илоҳий ва инсонга бўлган ишқни куйловчи шоирлардан бири бўлган эди.

## REFERENCES

1. Ўзбек миллий энциклопедияси. 10 том. Тошкент 2005.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т. Ўзбекистон, 2002.
3. Сикорский В.В. Индонезийская литература. М., 1965
4. Болдырева М. А. Творчество Индонезийских поэтов XX в. Амира Ҳамзаҳа и Хейрила Анвара. М., Наука, 1976
5. Амир Ҳамзаҳ: Сафраван Пужангга Бару [Амир Ҳамзаҳ: Литерарӣ Фигуре фром Пужангга Бару]" (ин Индонесиан). 10 Десембер 2011. Архивед фром тхе оригинал он 26 Десембер 2011. Ретриевед 26 Десембер 2011.
6. Сафра Мелажое Лама дан Раджа-Ражданжа (Қадимий малай адабиёти ва унинг қироллари) Медан: Тжердас. 1942.
7. Амир Ҳамзаҳ “Няньи Сунӣи” Пенербит П. Т Диан Ракят Жакарта 1978.

<sup>4</sup> Сафра Мелажое Лама дан Раджа-Ражданжа (Қадимий малай адабиёти ва унинг қироллари) Медан: Тжердас. 1942.